




# XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиза бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитасининг 2011 йилнинг 3 июнидаги қарорига асосан ҳудудий партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда



«Асакабанк»нинг Хоразм вилоят филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даврида хусусий секторга 8,9 миллиард сўм миқдорда кредит маблағи йўналтирилди



XXI асрнинг энг мураккаб муаммоларидан бирига айланган наркотиклар туфайли сайёрамизда ҳар йили 200 минг киши ҳаётдан кўз юммоқда

2011 йил 14 июль, пайшанба  
28 (400)-сон,  
E-mail: axborot@xasr@yahoo.com

12 ЖАРАЁН

16 ИҚТИСОДИЁТ

17 ХАЛҚАРО ҲАЁТ



Пўлатида байрам байрамдек ўтади



Косон туманидаги Пўлати қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда мустақиллик байрамнинг 20 йиллиги арафасида 4 та савдо дўкони, 2 та маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси, маҳалла гузари, ҳаммом, 8 та сартарошхона ва чойхона фойдаланишга топширилади. Мазкур объектлар ишга тушган, 50 дан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Соф фойда 18 баробарга ортди

2001 йили Қарши туманида «Бахт» фермер хўжалигини ташкил этган тадбиркор Иброҳим Холиёров ўз фаолиятини 15,5 гектар ер майдонида бошлаган эди.  
— 2002 йилда даромадимиз 30 миллион сўм, соф фойдамиз эса 5 миллион сўмни ташкил этган эди, — дейди И.Холиёров. — 2010 йилни эса 300 миллион сўм даромад, 139 миллион соф фойда билан якунлади. 2011 йилда, албатта, бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш, қорамоллар сонини 600 бошга етказишни режалаштиряпмиз.

Бир чоракда 104 та янги корхона

Наманган шаҳри марказида хусусий тадбиркор Аҳмадjon Юсупов сай-ҳаракати билан «Гўзал» номи мажмуа фойдаланишга топширилди. Таркибда савдо дўконлари, ресторан ва унлаб маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари бўлган мажмуада қандолатчилик цехи ҳам фаолият кўрсатмоқда. Қарийб 1 миллиард сўмга барпо этилган корхонада айни пайтда 50 киши меҳнат қилаётир. Вилоят ҳокимлиги матбуот хизматидан хабар қилинишича, жорий йилнинг биринчи чорагида минтақада 104 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари фойдаланишга топширилиб, 5831 та янги иш ўрни яратилган.

## «Рақобат тўғрисида»ги янги қонун биринчи ўқишга тайёрланмоқда

«Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта роль ўйнайди. Аммо амалдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунини эътиборга олган ҳолда «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарур»

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номи маърузасида билдирилган ана шу фикрлар асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси «Рақобат тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасини биринчи ўқишга тайёрлай бошлади. О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳаси монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозориди, балки молия бозориди ҳам тартибга солишни назарда тутиши, биржа савдоларида монополияга қарши механизмларни, акция сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини такомиллаштириш ҳамда назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштиришга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда муҳимдир.



3 >>>

Президентимиз раҳнамолигида миллий кадрият ва урф-одатларимизни тиклаш, уларни асраб-авайлаш, хунармандчилигимизнинг бетақдор аънаналарини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир


### Хунармандлар кўриги

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Дўппи тикдим, ипақлари тиллодан...» кўрик-танловни ёшларимизни миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу танловнинг Андижон вилояти босқичида Асака, Шахрихон, Избоскан ва Жалақудуқ туманлари хунармандлари иштирок этди. Улар дўппи тикиш жараёнини сахна кўринишлари орқали томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар. Шунингдек, иштирокчиларнинг дўппидўзлик ва каштачилик бўйича билим ва кўникмалари ҳам синовдан ўтказилди. Ранг-баранг дўппи ва кашталар, шунингдек, моҳир чеवरлар томонидан яратилган миллий таъассурот қолдиби. Асакада шаклланган «устоз-шогирд» мактаби, хунармандларнинг дўппидўзликнинг бетақдор усулларини ривожлантириш борасида олиб бораётган изланишлари кўпчиликка манзур бўлди.  
— Дўппи миллий фахримиз, миллатимиз ўзлигини дунёга кўз-кўз қилувчи бетақдор кадриятимиздир, — дейди кўргонтепалик хунарманд Муаззамхон Хасанова. — Шу боис дўппидўзликнинг ўзига хос сир-асрорларини қизларимизга ўргатишга ҳаракат қилмоқдамиз. Асакалик хунарманд Махбубахон Қодирова «Энг яхши уста», избосканлик Сурайё Долимова «Энг яхши шогирд» номинациясида голиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди. (ЎзА)

## Уй-жойга оид қонунлар такомиллаштирилиши керак

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасида турар-жойларни ижарага бераётган аксарият шахслар томонидан даромад солиғи тўланмаётгани натижасида давлат газнасиغا миллиардлаб сўм маблағ келиб тушмаётгани таъкидланди

Кўмита томонидан ташкил этилган «Уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги қонунларни такомиллаштириш: муаммолар ва ечимлар» мавзусидаги семинарда мутасадди идоралар ходимлари, назариячи олимлар ва амалиётчи экспертлар иштирок этдилар. Кўмита раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Илҳом Насриевнинг таъкидлашича, мамлакатимизда уй-жой қурилиши ва аҳолини турар-жой билан таъминлаш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.



2 >>>

## Модернизация ва инвестициялар самараси

Мамлакатимизда иқтисодий ривожлантиришда муҳим омил бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Фарғона вилоятида ҳам мазкур йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилаётир

Айни пайтда вилоятда 97 қўшма корхона фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларда халқаро талабларга мос, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида хорижий инвестиция иштирокида олти корхона ишга туширилди. Бағдод туманида ўтган йили иорданиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Фарғона спининг» корхонасига 450 минг АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилди. Бу маблағ эвазига корхона калава ип ишлаб чиқарадиган замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Натижада 80 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Жорий йилнинг ўтган даврида бу ерда икки миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, экспорт қилинди. Қўқон шаҳридаги пойабзал ишлаб чиқариш корхонасига Эроннинг «Қуша Санат Каспиан» компанияси томонидан дастлабки улуш сифатида 305 минг АҚШ доллари миқдорда сармоя киритилди ва унинг негизда «Эрон Каспиан Персиан» қўшма корхонаси ташкил этилди. Айни кунларда корхонада сифатли оёқ кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Фарғона шаҳридаги «Фарғона тиббиёт диагностика», «Бел транс Азия», «Фарғона глобал интернэшнл» каби қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши бозорни янги маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз сифати билан ташқи бозорда ҳам мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни халқаро сифат стандартларига ўтказиш натижасида 2010 йил давомида халқаро «ISO 9001» сифат сертификатига эга бўлган корхоналар сони 28 тага етгани бунинг ёрқин далилидир. (ЎзА)

## Кўмита назорат-таҳлил яқунлари бўйича хулоса чиқарди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасида «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази тизимларидаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил яқунлари муҳокама қилинди

Йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да парламент олдида турган энг муҳим вазифа — қонунлар ижроси юзасидан қатъий назоратни ўрнатish экани белгилаб берилгани ва бу борада изчил ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.  
— Ўзбекистонда ахборотлаштириш соҳасидаги қонунчилик базаси таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишда муҳим омил бўлмоқда, — деди йиғилишда кўмита раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев. (ЎзА)

3 >>>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 12 ИЮЛДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	↑ 1841,57	1 АҚШ доллари	↑ 1719,97	1 Ҳитой юани	↑ 266,04	1 Туркия лираси	↓ 1054,29	1 Япония йенаси	↑ 213,00
1 Англия фунт стерлинги	↓ 2751,78	1 Миср фунти	↑ 288,97	1 Малайзия ринггити	↑ 572,75	1 Швейцария франки	↑ 2052,72	1 Россия рубли	↑ 61,67
1 Дания кронаси	↓ 327,27	1 Исландия кронаси	↓ 14,78	1 Польша злотийси	↓ 619,14	1 ЕВРО	↑ 2478,85	1 Украина гривнаси	↑ 215,78
1 БАА дирҳами	↑ 468,31	1 Канада доллари	↓ 1783,09	1 СДР	↓ 2734,12	1 Жанубий Корея вони	↑ 16,24		

## О'zLiDeP ва уюшма ҳамкорлиги электорат манфаатини қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтирмоқда

Сурхондарё вилоятида 4 минг 950 дан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 2 минг 490 таси пахта ва ғалла етиштиришга, 1 минг 576 таси боғдорчиликка, 701 таси чорвачиликка, 184 таси эса бошқа соҳаларга ихтисослашган. О'zLiDeP билан Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Бош битим эса партия электорати манфаатини қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтирмоқда

Фарход ТОШБОВ,  
«XXI ASR»

Унда ҳамкорликдаги мажбуриятлар белгила-  
ниб, фермерларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини ошириш, улар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари кўламини кенгайтириш, молиявий ва иқтисодий эркинлигини таъминлаш, ўқув-семинарлар ва бошқа тадбирлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

— Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирлар натижасида партия сафлари фермерлар билан кенгайиб бораётган, — дейди О'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдулҳаким Турдиев. — Айни пайтда фермерларнинг 3 мингга яқини партиямиз аъзоларида. Биргаликда ўтказилаётган тадбирларда Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашлари

ри депутатлари ҳам фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Сиёсий таълим марказининг ўқув-семинарлари, айниқса, юрт ободлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида фидойилик кўрсатаётган фермерларда катта қизиқиш ўйғотапти.

О'zLiDeP вилоят кенгашининг тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлимида олинган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида партия ҳудудий бўлинмалари томонидан фермерлар иштирокида 30 га яқин тадбир ўтказилди. Жумладан, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамият тараққиётининг мустақкам таянчи» мавзусида Бойсун туманида ташкил этилган тадбирда хусусий тадбиркорлик субъектлари билан бирга вилоят фермерлари ҳам фаол иштирок этиди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуқодир Тошқулов, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги

О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Муяссар Жумаева, вилоят кенгаши депутати, Бойсун туман кенгаши раиси Неймат Абдуллаев ва бошқалар соҳани ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, фермерлар учун яратилаётган шароитлар, mavjud имтиёзлар хусусида атрофлича маълумот бердилар. Очик мулоқотда фермерлар олдида турган муаммолар ҳам ўрганилиб, уларнинг ечими юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Денов туманида ташкил этилган ўқув-семинарда эса солиқ ва божхона бошқармаси, тижорат банкларининг раҳбар ходимлари жалб этилдилар. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нурриддин Муротов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Нарзуллаев фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида сўз юритган бўлса, солиқ, божхона

ва тижорат банклари му-  
тахассислари яратилган имтиёзлар ва улардан самарали фойдаланиш йўллари тўғрисида маълумот бердилар. Машгулотлар жараёнида фермерлар солиқ ва божхона хизмати раҳбарларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Олтинсой туманида ўтказилган «Сиёсий етук ва билимдон фермер — юрт таянчи» мавзусидаги давра суҳбати ҳам долзарб масалаларга бағишланди.

— Фермерларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа соҳага оид билимларини оширишда О'zLiDeP вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилаётган тадбирлар яхши самара бераётган, — дейди Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят филиали директори Бахтиёр Шерматов. — Натижада фермерларимиз қиллоққа замонавий технологияларни киритиб, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўймоқда-

лар. Фермерлар билан ҳамкорликдаги ишлар туфайли жорий йилда вилоятда 183 гектар майдонда хориж технологияси асосида серхосил интенсив олма боғи яратилди. Дон, пахта, мева-сабзавот ва бошқа қиллоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда тажрибада синалган усуллар кенг жорий этилиб, қутилган натижаларга эришилаётган.

Ҳа, фермерлик ҳаракатининг қиллоқда етакчи куч сифатида эътироф этилаётгани бежиз эмас. Негаки, дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги кўзатилаётган бир пайтда Ўзбекистон фермерлари дастурхонларимиз тўқинлигини таъминлашда асосий кучга айландилар. Шу билан бирга аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, бандлик масаласини ҳал этиш, қиллоқларнинг ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда ҳам улар фаол иштирок этиб, эл ҳурматида сазовор бўлмоқдалар.

## Партиявий назорат кучайтирилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2011 йил 3 июндаги қарорига асосан ҳудудий партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда

Шу кунларда мазкур тадбирлар туман ва шаҳар партия ташкилотларида ўтказилмоқда.

Уларда асосан Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган партиявий

тадбирлар дастурларида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, партия олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинмоқда. Ҳисобот-сайлов конференцияларида партия ташкилотларининг 2008-2010 йиллардаги фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, келгусида қилиниши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинмоқда.

## Дастурий мақсадлар тарғиботи янада жонлантирилиши лозим

О'zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши ҳисобот-сайлов конференцияси делегатлари ана шундай қарорга келдилар

Конференцияда кенгашнинг ўтган 3 йилдаги фаолияти танқидий таҳлил этилиб, амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатдан бугунги талаблар даражасига олиб чиқиш лозимлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда кенгаш раиси А.Ақромовнинг 2008-2010 йиллардаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди. Маърузачининг таъкидлашича, ўтган давр мобайнида О'zLiDeP шаҳар кенгаши томонидан партиявий кўрсатмалари сони 1300 нафарга, бошланғич ташкилотлар сони эса 83 тага етди.

Кенгаш ташаббу-  
си билан юздан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг иш бошлашига амалий ёрдам кўрсатилди. Уларда 500 га яқин ёшлар учун янги иш ўринлари яратилди.

Ийрик sanoat қорхоналарида 5 минг нафар хотин-қизлар касаначилик орқали ишга жойлаштирилган бўлса, икки юз киши оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб, бир мартали устара, ламинат доска, рангли шифер ва алюмин эшик-дераза ромлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Партия аъзолари сони 1300 нафарга, бошланғич ташкилотлар сони эса 83 тага етди. Шунга қарамай, кадр-

ларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ижро интизомининг сустиги, тарғибот-ташвиқот ишларига етарли эътибор қаратилмаётгани, айрим маҳаллий кенгаш депутатларининг ишга нисбатан лоқайдлиги каби ҳолатлар ҳамон учрамоқда. Конференция иштирокчиларининг фикрича, ана шундай салбий ҳолатлар бартараф этилмас экан, қутилган натижаларга эришиб бўлмайди.

Конференцияда А.Ақромов О'zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раиси этиб қайта сайланди. Конференция якунида вилоят кенгаши конференцияси делегатлар сайланди.

## Уй-жойга оид қонунлар такомиллаштирилиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI ASR»

Айниқса, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Уй-жой фондиди фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Қиллоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари туфайли янги қурилаётган уй-жойлар сифатини замонавий шаҳарсозлик даражасига олиб чиқиш имконияти яратилди.

— Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой, Шаҳарсозлик кодекслари ва улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар гарчи ривожланган давлатларнинг қонунчилик тажрибаси ва амалиётини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлса-да, уларнинг уй-жой муносабатларига доир қонунларини ҳозирги замон ва макон талабларига мослаштириш зарурати туғилмоқда, — деди Тошкент Архитектура ва қурилиш институти профессори Муҳаммад Аҳмедов.

О'zLiDeP фракцияси аъзолари эса нафақат шаҳар типидagi даҳалар ва шаҳарчалар, балки айрим шаҳарларнинг бош режалари (тархлари) хали ҳам тўлиқ ишлаб чиқилмаганига, яққа тартибдаги хусусий уй-жойлар қурилишига ер майдонлари ажратилганда ечимини кутаётган масалалар мавжудлигига эъти-



бор қаратдилар. Шунингдек, турар-жойни нотурар жойга, нотурар жойни эса аксинча турар-жойга айлантиришда юзага келаётган муаммолар ҳам уй-жой муносабатларига оид қонунчилик такомиллаштирилишини тақозо этмоқда.

— Бундан ташқари, хусусий уй-жой эгаларининг мутахассислар хулосаси ва розилигисиз амалга ошираётган ўзгартиришлари кўп қаватли биналарнинг сейсмик жиҳатдан заифлашишига олиб келмоқда. Бу эса ана ўша уйларда яшовчилар ҳаётига жиддий хавф туғдиради, — деди «Тошуй-жойЛИТИ» ОАЖ бошқаруви раиси Абдура-сул Абдувосиқов. — Тўғри, амалдаги тартиб-қоидаларга кўра, хонадон тузилишини ўзбошимчилик билан ўзгартирган шахс ўша жойни ўз ҳисобидан тиклайди ва жарима ҳам

тўлайди. Лекин бу кўп қаватли уйлар мустақамлигига етказилган зарар ўрнини қоплаш имконини бермайди.

Семинарда аҳоли турар-жойларининг биринчи қаватларида қандай ташкилот ва муассаса, фирма ва компаниялар жойлаштирилиши мумкинлиги ҳам қонунларда аниқ акс эттирилиши керак, деган фикр-мулоҳазалар қайта-қайта такрорланди. Бундай ташкилот ва фирмаларда юзага келаётган шовқин, ёқимсиз хид ва тебранишлар юқори қаватлардаги яшовчилар безовталанишига сабаб бўлишдан ташқари, уйларга турли ўзгартириш киритилиши, ёзув ва рекламалар жойлаштирилиши бинонинг умумий меъморий ечимини бузилишига олиб келмоқда.

— Уй-жой муносабатларини тартибга солу-

чи қонунчиликнинг такомиллаштирилиши турар-жойни ижарага бериш билан боғлиқ низоларнинг ҳал этилишида ҳам муҳим роль ўйнаши табиий, — деди Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Бизнес мактабининг ҳуқуқий маслаҳатчиси Баходир Шокиров. — Ҳозирги кунда ўзига тегишли уй-жойни ижарага бераётган шахслар бу борадаги қонун ҳужжатлари такомиллашмаганлиги боис даромад солиғи тўламаяптилар. Натижада давлат газнасига миллионлаб эмас, ҳатто миллиардлаб маблағ келиб тушмаяпти. Чунки Фуқаролик кодексига асосан суммаси кам миқдордаги шартномалар оғзаки келишувлар асосида тузилмоқда. Шунинг учун улар нотариял тасдиқдан ўтмайди. Нотариус иштирокида тузилган ижара шартномалари

эса 100 минг ёки 200 минг сўм ўрнига 10 минг сўм дея кўрсатилиши солиқдан қочибдан бошқанарса эмас. Демак, Фуқаролик кодексига ўзгартириш киритиш ва «Ижара тўғрисида»ги қонунни янги тахрирда қабул қилиш вақти келди.

Тадбирда О'zLiDeP фракцияси аъзолари Зиёдулла Убайдуллаев, Нуриддин Муротов ва Шавкат Тешаев ҳам мутасадди идоралар раҳбарлари уй-жой муносабатларини тартибга солиш борасидаги ўз ваколатлари доирасида аҳолининг талаб ҳамда эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қонун устуворлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратишлири лозимлигини таъкидладилар.

Ийгилишда муҳокама қилинган масала юзасидан қўмитанинг қарори қабул қилинди.

## Хатолардан хулоса чиқарилади

О'zLiDeP Бекобод туман кенгашида ўтказилган ҳисобот-сайлов конференциясида эса партия фаоллари 148 мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилаётган туманда аҳолини тадбиркорликка жалб этиш масаласига бирламчи эътибор қаратилганини таъкидладилар

Конференция иштирокчиларининг фикрича, Юртбошимиз Концепциясида нафақат парламент ва сиёсий партиялар, балки ҳудудий кенгашлардаги партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари олдида ҳам масъулиятли вазибалар юкла-  
тилиши ҳамда уни бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан фикрлар билдирилмоқда.

Ҳисоботда келтирилишича, О'zLiDeP туман кенгаши ўз ишини партия дастурларида белгилаган вазифалар доирасида ташкил этган. Бу борада 2008-2010 йиллар оралигида 300 дан зиёд турли тадбирлар ўтказилиб, уларда ёшлар ва аёлларнинг тадбиркорликка жалб этиш, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжалиқларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари атрофлича муҳокама қилинган. Партиянинг фаол аъзолари томонидан мамлакатимизнинг бандлик дастурларини бажаришга қўмаклашиш мақсадида мингга яқин иш ўрни

яратилди. Аммо конференцияда ана шундай натижаларга қарамай, туман партия ташкилоти ўз олдида қўйилган вазифаларни бажаришда қатор камчиликларга йўл қўйгани таъкидланди. Бу, энг аввало, партиянинг гоё ва мақсадларини аҳоли орасида оммалаштириш масаласида яққол кўзга ташланади. Чунки бугун партиянинг Бекободдаги аъзолари сони бир-йўғи 416 тани ташкил этади, холос.

Конференцияда бундай камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш партиянинг тумандаги масъуллари зиммасига алоҳида масъулият юклаши таъкидланиб, кенгаш раислигига А.Жабборов қайта сайланди.

## «Робияхон»ни кўрдингизми?

Бухоронинг эски шаҳар қисмидаги ташландиқ ҳудудда ака-ука тадбиркорлар Иноят, Шухрат ва Эркин Убайдовларнинг сайё-ҳаракати билан «Робияхон» савдо мажмуаси қад қўтарди.

Бу ерда 60 ўринли ошхона, ҳар бири 12 квадрат метрдан иборат 24 та савдо дўкони фаолият кўрсатмоқда.

«Робияхон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шухрат Убайдовнинг айтишича, қисқа вақт ичида бу ерда аёллар сартарошонаси ҳам иш бошлади. Фермер хўжаликлари билан тузилмадан шартномалар асосида қиллоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳам йўлга қўйилди.



# КОНЦЕДЦИЯ

**Рақобатни шакллантириш ва рақобат муҳитининг қонун билан ҳимоя қилиниши иқтисодийни либераллаштириш, O'zLiDeP электорати бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар имкониятини янада кенгайтиришда долзарб аҳамиятга эгадир.**

Янги қонун лойиҳасида 65 фойзлик чегарани «элик фойз ва ундан ортиқ улушга эга бўлганда» дея ўзгартириш таклиф этилмоқда

Шунинг учун ҳам улар турли интернет-кафеларда керакسىз маълумотлар билан танишиб вақт ўтказмоқдалар.

28 (400)-СОН

2011 йил 14 июль, пайшанба

e-mail: axborotXXI@yahoо.com

## «Рақобат тўғрисида»ги янги қонун биринчи ўқишга тайёрланмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

OzLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳаси монополистик фаолиятни нафақат товарлар, балки молия бозорида ҳам тартибга солишни назарда тутиши, биржа савдоларида монополияга қарши механизмларни, акция сотиб олиш, кўшиш ва бирлаштириш битимларини такомиллаштириш ҳамда назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштиришга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда муҳимдир.



**Бахтиёр ИМИНОВ**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Аввало шу кунгача амал қилган «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонун эскириб, бугунги кун талабларига жавоб бермай қолганини таъкидлаш жоиз. Тўғриси, мустақилликнинг дастлабки йилларида иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида айнан ана шу қонун муҳим аҳамият касб этганини инкор этиб бўлмайди. Уша даврда мамлакатимизда 1600 дан зиёд монопол корхоналар фаолият юритган бўлса, ўтган

йиллар мобайнида улар сони тахминан 8 баробарга камайди. Ҳозир эса юртимизда етарли даражадаги рақобат муҳити шаклланди. Жумладан, енгил саноат, озиқ-овқат ва умумий овқатланиш, транспорт ва уяли алоқа, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида юзага келган рақобат иқтисодий муносабатларда муҳим роль ўйнамоқда.

Янги қонун лойиҳасига нафақат рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, балки уни ҳимоя қилиш нормалари ҳам киритилаётганини таъкидлаш жоиз. Агар

ҳалқаро тажрибага эътибор қаратсак, Европа Иттифоқида кирувчи аксарият мамлакатларнинг шу соҳага оид қонунларида рақобат муҳитини ҳимоя қилиш масалалари муҳим ўрин тутаяди.

Рақобатни шакллантириш ва рақобат муҳитининг қонун билан ҳимоя қилиниши эса, ўз навбатида, иқтисодийни либераллаштириш, O'zLiDeP электорати бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар имкониятини янада кенгайтиришда ҳам долзарб аҳамиятга эгадир.



**Кувондиқ ҲАМЗАЕВ**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

ни таъминлаш, товар ва молия бозорларида рақобатни ҳимоя қилишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Бу жиҳатларга электорат манфаатидан келиб чиққан ҳолда ёндашилмоқда. Шунингдек, 2-моддадаги «монополистик фаолият» сўзлари «рақобатга қарши хатти-ҳаракатлар» дея алмаштирилмоқда. Шу модданинг ўзида «қимматли қўғошлар ва молиявий хизмат бозорлари» жумласининг чиқарилиши унинг молия бозорларига ҳам татбиқ этилишини аниқлатади.

Маълумки, Сайловолди дастуриимизда O'zLiDeP мамлакатнинг тараққий этишида тадбиркорлик секторининг ҳар бир субъекти манфаатдорлигини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол иштирок этиши белгилаб қўйилган. Фракциямиз аъзолари «Рақобат тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ҳар бир моддасини ана шу нуқтаи назардан кўриб чиқмоқдалар.



**Равиль СОБИРЖОНОВ**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— «Рақобат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида сўз борганда «устун мавқе» тушунчасига алоҳида тўхталиш ўринлидир. Маълумки, хўжалик юритувчи субъектнинг рақобат ҳолатига, товар нархи, таклиф ҳажми ва уни ишлаб чиқаришга, бозорга кириш, муайян бозорда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига таъсир кўрсатиш қобилияти устун мавқени белгилашда жуда муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам лойиҳада мазкур тушунчага аниқлик киритилиб, жаҳон андозларига мослаштирилмоқда.

Амалдаги қонунда бозордаги улуши 65 ва ундан ортиқ фойзни ташкил этадиган хўжалик юритувчи субъект (бир гуруҳ шахслар) устун мавқеда эътироф этилиши кўрсатилган эди. Янги қонун лойиҳасида эса 65 фойзлик чегарани «элик фойз ва ундан ортиқ улушга эга бўлганда» дея ўзгартириш таклиф этилмоқда.

Зеро, тадбиркорлик ривожлангани сари бозор субъектлари сони ҳам ортиб бораверади. Бу жараёнда экспорт ҳажми ҳам кенгайди ва бу бозорлардаги маҳсулот ҳажмига таъсир қилади. Ана шундай шарт-шароитлар илгари товар бозорида 65 фойз миқдорда улушга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг улуши пасайишига олиб келади. Натияжада товар бозорида 50 фойз миқдорда улушга эга бўлган субъектларнинг мавжудлиги бошқа субъектларга бозор шартларини мажбурлаш имконини беради. Демак, устун мавқега нисбатан белгиланган фойзалар кўрсаткичининг ўзгартирилиши ана шу талабдан келиб чиқаяпти.



**Насим АЛИМОВ**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Ҳақиқатан ҳам «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонун молия бозорида рақобатни тартибга солиш масалаларини қамраб ололмагани боис соҳада рақобатга қарши ҳаракатларга йўл қўймаслик чораларини амалга ошириш имконини бермаётган эди. Айнан шундай ҳолатлар биржа савдоларида ҳам кузатилади. Энг ёмони, монополиянинг олдини олишга мутасадди бўлган идоралар қонунчиликда мавжуд бўлмаган тегишли ваколатларсиз фаолият олиб бораётган эдилар.

Маълумки, рақобат йўна-

лишларидан бири бу — жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашувининг олдини олишдир. Кейинги уч йилда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан рақобатни ривожлантиришга зид бўлган, тадбиркорлик тузилмаларининг молиявий маблағларини бозорда мақсадларга қаратиш билан боғлиқ ҳолатлар қайд этилгани ҳам мазкур қонунни янгилашни тақозо этаётган эди.

«Рақобат тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса ана шундай камчиликларни бартараф этиш, рақобат муно-

сабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш, товар бозорларида монополистик фаолиятни тўхтатиш бўйича ҳуқуқий воситаларни янгилаш имконини беради, албатта.

Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, янги қонун лойиҳасига рақобатни чекловчи ва рақобат тўғрисидаги қонунчиликка номувофик битимлар ёки келишилган ҳолда ҳаракатлар содир этгани тўғрисида ваколатли органга ихтиёрий равишда маълум қилган субъектларга жарима санкциялари қўлламаслик меъёри ҳам киритилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

## Кўмита назорат-таҳлил яқунларидан хулоса чиқарди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ, «XXI ASR»

— Хусусан, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун миллий таълим тизимида ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланишнинг мустақам ҳуқуқий асоси бўлиб, унга кўра таълим муассасаларини ягона тармоққа улаш, «Электрон таълим» миллий дастурини барпо этиш ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Таълим муассасаларини компьютерлар билан таъминлаш даражаси йилдан йилга ўсиб бораётгани ҳам ана шундай изчилликка мисол бўлиши мумкин. Биргина 2010 йилда 560 та мактаб 13 минг 500 та компьютер, 750 дан зиёд кишлоқ мактаблари эса замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва мультимедия воситалари билан жиҳозланган. 12 мингдан ортиқ таълим муассасаси 25 мингдан зиёд ўқув ва ахборот ресурсларидан иборат Ziyonet таълим порталига уланган. 2009-2010 йилларда ушбу тармоққа 100 дан ортиқ ўқув адабиёти ва дастурлар, «Касб маҳорати» ва «Касб-хўнар таълими» каби журналларнинг электрон нусхалари жойлаштирилган. Ўқувчиларнинг ана шундай ахборотлардан янада унумлироқ фойдаланишлари учун ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларида 2761 та ахборот-ресурс марказлари ташкил этилиб, улардан 228 таси ўз фаолиятини электрон кутубхона сифатида олиб бормоқда.

Парламент эшитишда, шунингдек, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш борасида йўл қўйлаётган камчиликлар ва фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, идоравий ахборот тизимларини яратиш ва ривожлантириш, ахборот ресурсларини муҳофаза қилиш ишлари ҳар доим ҳам қонун талабларига жавоб бермаётти. Ziyonet порталидаги ресурслар сони ва сифати ундан фойдаланувчи ўқувчилар эҳтиёжини тўла қондирмаётти. Ахборотлаштириш воситаларини сертифицилаш ва стандартлаштириш борасида ҳам ечимини



кутаётган муаммолар бор. Айрим таълим муассасаларида ҳатто ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг тармоқларга улашиш тартиблари ишлаб чиқилмаган. Халқ таълими вазири ўринбосари Бахтиёр Дониёровнинг таъкидлашича, айни пайтда тизимдаги 16648 та таълим муассасасининг 9770 таси умумтаълим мактаблари кун талабларига жавоб бермаётти. Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари Асаджон Ходжаевнинг таъкидлашича, бугун ахборот оламида интернет даври келгани боис жамиятимизда интернет-телерадио, электрон почта, онлайн-видео, форум-технологиялардан фойдаланиш ва уларни қўллаш талаблари шунчалар жиддий қўйилмоқда-ки, бу ўқитувчилар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

— Шунинг учун ҳам агентлик кўмағида педагоглари-мизнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида 72 соатлик махсус дастур ишлаб чиқди. 16 июнгача барча ўқитувчилар ана шу курсларда ўз билимларини оширдилар, — деди Ўрта махсус касб-хўнар таълими маркази раҳбари ўринбосари Зайниддин Худойбердиев.

Лекин O'zLiDeP фракцияси аъзоси Зиёла Собирова кун тартибдаги масала жойларда ўрганилганида, айрим муаммолар борлиги аниқланганини таъкидлади. Жумладан, у Бухоро Давлат университетига қошидаги ахборот технологияларини чуқур ўргатишга ихтисослашган академик лицей ўқитувчиларининг компьютердан фойдаланиш даражасини ошириш лозимлигини таъкидлади. Маълум бўлишича, ҳатто Ўрта махсус касб-хўнар таълими марказининг асосий сайти ҳам ишламаяпти. Ушбу тизимда ахборотлаштириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши қарорлари ижросига ҳам етарли даражада амал қилинмаяпти. O'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев эса ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ масалага эътибор қаратиб, ўқувчиларнинг ҳолис ахборот олиш борасидаги эҳтиёжини қондириш учун Ziyonet тармоғига киритилаётган маълумотларнинг сифатини белгилайдиган меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаганини таъкидлади. Шунинг учун ҳам улар турли интернет-кафеларда керакسىз маълумотлар билан танишиб вақт ўтказмоқдалар.

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун ижроси бўйича фаолияти ўрганилган идоралар вакилларидан ташқари Молия вазирилик, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мутасаддилари иштирок этган йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасида кўмита қарори қабул қилинди.



КАШКАДАРЁ. O'zLiDeP вилоят кенгаши Сиёсий таълим маркази ва Касби туман кенгаши ҳамкорлигида истиқлолнинг 20 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбирда депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

САМАРКАНД. O'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан Каттакўрғон шаҳрида ўтказилган «Касаначилик фаолияти — иқтисодий тараққиёт омил» мавзусидаги ўқув-семинарда аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳусусида сўз юритилиб, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан турли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

СИРДАРЁ. Сайхунobod туман кенгаши томонидан ўтказилган амалий учрашувда ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш борасида ҳалқ депутатлари туман кенгашидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари олдида турган вазибалар атрофлича муҳокама қилинди.

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## «Аёллар қаноти» ташаббусини аёллар кўллаб-қувватламоқдалар

Ўртачирчиқ туманида O'zLiDeP аъзолари бўлган 200 нафар тадбиркор аёлнинг ҳар бири бештадан янги иш ўрни яратишга киришди...

Зиёдулла МҲМИНОВ, «XXI ASR»


Ўртачирчиқ Тошкент вилоятининг аҳолиси зич ҳудудларидан бўлиб, жами аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Бу эса туманда бандлик масаласининг ниҳоятда долзарблигини кўрсатади. Айниқса, касб-хунар коллежларини битириб чиқарган ёшлар 3 минг нафарни ташкил этаётганини инобатга олсак, ҳудудда янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини англаб етамиз.

Гап шундаки, ўтган йили йирик тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда касб-хунар коллежлари битирувчиларини касбга йўналтириш бўйича дастур ишлаб чиққандик. Унда ёшларни имкон қадар ўз қишлоғи ва маҳалласида иш билан таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган эди. Бундан ташқари, партиянинг 450 нафарга яқин аъзоси бўлиб, уларнинг ярмидан ортигини аёллар ташкил этади. Энг муҳими, уларнинг 200 нафарга яқини ўз бизнесини йўлга қўйган опа-сингилларимиздир.



ришгача бўлган қулайликлар яратаялдим. — Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи фирма ташкил этдим, — дейди Раъно Давронова. — Агар бундан 3-4 йил аввал бу ерда 10-15 киши ишлаган бўлса, бугун улар 400 нафардан ошди. Ҳар йили 15-20 тагача янги иш ўрни яратиб, асосан касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлирини тамомлаган йигит-қизлар билан жамони кенгайтирялдим.

муаммолар ҳусусидаги масалани киритиш режалаштирилган. Чунки айрим тадбиркорларимиз ана шундай муаммоларга дуч келмоқдалар. Шу боис электротизимиз манфаатини ҳимоя этган ҳолда бу масалага ойдинлик киритмоқчимиз. Мақсадимиз — хусусий сектор вакилларига берилаётган амалий ёрдам самарасини оширишга кўмаклашиш.



— Фаол аёлларимиз бугун нафақат ишлаб чиқарувчи, балки ўз фаолиятини бошлаган ёки бошламоқчи бўлганларга иқтисодий, ҳуқуқий маслаҳатчи ҳам бўлмоқдалар, — дейди O'zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутatlари туман кенгаши депутати Каромат Расулова. — Чунки лоқайд одам тадбиркор бўлолмайди. Буни маҳаллий кенгашлардаги аёл депутатларимиз фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Уларнинг сай-ҳаракатлари билан туман сессияларида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ масалалар дадил олиб чиқилапти. Масалан, айни пайтда Халқ депутатлари туман кенгашининг на-вбатдаги сессиясига банклардан кредит олишдаги айрим

муаммолар ҳусусидаги масалани киритиш режалаштирилган. Чунки айрим тадбиркорларимиз ана шундай муаммоларга дуч келмоқдалар. Шу боис электротизимиз манфаатини ҳимоя этган ҳолда бу масалага ойдинлик киритмоқчимиз. Мақсадимиз — хусусий сектор вакилларига берилаётган амалий ёрдам самарасини оширишга кўмаклашиш.

## Маҳаллий кенгаш депутатлари нега бошланғич ташкилотларни четлаб ўтаптилар?

Наманган вилоятида O'zLiDeP бошланғич ташкилотлари сони 687 тага етди

Комилжон ФАЙЗИЕВ, «XXI ASR»

O'zLiDeP вилоят кенгаши мутасаддиларининг фикрича, бу муҳим ишда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Айниқса, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» жам-гармаси, «Камолот» ЁИҲ бўлиmlари билан бирга-ликда ўтказилаётган тадбирлар O'zLiDeP илгари сураётган гоё ва дастурий вазибаларни кенг тарғиб этишда кўл келмоқда.

лов округидан депутатликка сайланган фаолимиз Солихон Мўминов сай-ҳаракати билан вилоят кардиология марказидаги бошланғич ташкилотга яна 20 нафар тиббиёт ходими аъзоликка қабул қилинди, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгашининг БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Фарҳоджон Аҳмедов. — Бу, албатта, депутат фаолияти орқали партияга билдирилаётган ишончдан далолат беради. Айни пайтда бошланғич ташкилот аъзолари сони 69 нафарга етди. Шу йилнинг май ойида эса Давлат мулки кўмитасининг вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда «Кимматли ҳоғозлар бозоридagi муносабатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни ва

аҳамияти» мавзусида семинар ўтказдик. Тадбирдан кейин бошқарманинг 15 нафар ходими партия сафига қабул қилишларини сўраб ариза бердилар. Албатта, гап ўтказилган тадбирда эмас. Бу ана шу учрашувда партиянинг бугунги ишлари ва илгари сураётган гоёси кўпчилиги томонидан кўллаб-қувватланганини кўрсатади.

кўрсаткич, албатта. Шу ўринда вилоятдаги бошланғич партия ташкилотлари раёсларининг 218 нафарини аёллар ташкил этаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази. Нодавлат нотижорат ташкилотлари хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятини турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир. Фаволиятингизда бирор муаммо юзасига келса, сира ақиланмай бизга мурожаат этинг!

Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази. Мақсадимиз — хусусий сектор вакилларига берилаётган амалий ёрдам самарасини оширишга кўмаклашиш.

Фермерлик ҳаракати — қишлоқдаги ҳал қилувчи куч

## Етакчилиқ масъулияти

Ўзбекистонда ернинг ҳақиқий эгасига топширилгани Истиқлолнинг энг улугъ неъмат бўлди. Фермерларга ишонч билдирилгани эса уларда мулкка эгаллик ҳиссини шакллантирди ва ана шу қатламни қишлоқларимиздаги етакчи кучга айлантирди

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ, «XXI ASR»

мақсад ва вазибалари ҳақида хулоса чиқармоқдалар. — Мустақиллик йилларида фермерлик ҳаракатида давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилгани ҳўжалигимизни ривожлантиришда муҳим омил бўлди, — дейди Р.Ўтбосаров. — Фермерликдан олган даромадимиз эвазига бугун ўз техникамизга эга бўлдик. Дори ва ўғитларни далага сочиш учун ОБХ ва НРУ тиркама ускуналаримиз бор. Энг муҳими, фермерлик туфайли фарзандларимни олий маълумотли қилдим. Ҳўжалигимизда меҳнат қилаётганларнинг оила тебратилари учун ҳам жавобгарлигимни доимо ҳис этаман. Яъни, уларнинг моддий таъминоти, меҳнатларида яраша ҳўжалиқларини таъминлаш асосий вазибам, деб биламан.

Туман мутасаддилари соҳа яловбардорлари бўлиши фермер ҳўжалиқларига 27 минг 600 гектар ер бириктирилганини таъкидламоқдалар. Агар фермерлар томонидан 2009 йилда 27 минг тонна галла етиштирилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 30 минг тоннадан ошиб кетди. Жорий йилда эса бу кўрсаткичнинг янада салмоқли бўлиши кутилмоқда.

Муваффақият сири фақат тадбиркорликда, — дейди юқоричирчиқлик фермер Раҳимберди Ўтбосаров. — Мен «Серкабой ота» фермер ҳўжалигини 2003 йилда ташкил этиб, 24 гектар ерда иш бошлаган эдим. Айни пайтда 46 гектар ерга экин экимиз. Шундан 30 гектари галла, 14 гектари пахта. Бу йил ҳосилдорлики 40 центнердан оширишни мўлжалла-ялдим. Хали айтаганимдек, деҳқон, энг аввало, ишининг кўзини би-лиши керак. Гарчи кўп йиллардан буён деҳқончилик билан шуғул-лансам-да, ўғилларимдан бирини агроном-ликка ўқитдим. Тўғри қилган эканман. Ўғлим ҳар бир масалага ил-ми жихатдан ёндаша-япти. Агротехник тад-бирларини ҳам «кито-би»да ёзилганидек ўтказишга кўниккан.

Янги, замонавий ус-лубларни кенг қўлла-ди. Галла навини тан-лашда ҳам ўғлимга су-яндим. «Таня» навини танлаб, адашмабимиз. Ҳозиргача хирмонга 113 тоннадан кўп бу-дой тўждик.

— Юқоричирчиқда-ги 257 нафар O'zLiDeP аъзосининг 40 нафари фермерлар, — дейди туман партия кенгаши раиси ўринбосари Шарофжон Қодиров. — Аксарият илғор фер-мерлар сафимизда экан-дан фахрланамиз. Аҳолининг асосий қисми — 10 мингдан зиёди қишлоқ ҳўжали-гида бандлигини ино-батга олсак, фермер-ларнинг мақеи ҳақида кенгроқ тасаввур уйғо-нади. Партияимиз аъзо-лари ва фаолларининг юриш-туришига қараб одамлар O'zLiDeP ҳақида, умуман, унинг

— Даромад ҳам шунга яраша бўлаяпти, — дейди «Умар ота ва ўғиллари» фермер ҳўжалиги бош ҳисобчиси Эльза Қурбонова. — Ўтган йили 70 миллион сўм даромад қилган бўлсак, бу йил фойданинг ундан ҳам ошиши кутилмоқда. Ҳўжалик қарамо-ғида культиватор, ер ҳайдай-диган ва пичан пресслайди-ган тракторлар, энгил маши-на мавҳуд. Техника ва транс-порт воситаларининг етарли экани эса агротехник тад-бирларнинг сифатли ўткази-лишини таъминламоқда. Юқоричирчиқ туманида кўрганларимиз ҳақиқатан ҳам фермерларнинг қишлоқда ҳақиқий заминдор, энг муҳи-ми, жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўтказишда етакчи кучга ай-ланганларини кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти партия-миз аъзоси эканлиги эса ол-димизга қўйган мақсадлари-мизнинг тўғрлиги, уларга эришининг муқаррар экани-дан далолат бериб турибди.

## Иккинчи даражали масаланинг ўзи йўқ

**295 минг нафар фуқаро истиқомат қилаётган Шайхонтохур туман аҳолисининг қарийб ярмидан ортигини 25 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бу, ўз-ўзидан, аҳолини иш билан таъминлаш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратишдек долзарб масалани кун тартибига қўяди**

Қахрамон САЙДАЛИЕВ,  
«XXI ASR»

О'зЛиДеР Шайхонтохур туман кенгаши раиси, айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Одилжон Аширнинг таъкидлашича, 2011 йилнинг олти ойида туман кенгашига аъзо бўлган 970 та тадбиркорлик субъекти томонидан 500 га яқин янги иш ўрни ташкил этилиб, уларга асосан касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юртлирини битирган йигит-қизлар жалб этилдилар.

— Бунда «Техносноат» МЧЖ директори Э.Фозилжонов, «Royal Gold Water» кўшма корхонаси раҳбари Ш.Султонхўжаев, «Азиза Сайфи қизи» хусусий фирмаси раҳбари А.Ғуломов, «Қанот инвест» МЧЖ директори А.Ҳошимов ҳамда «Менора» МЧЖ раҳбари А.Ғоипов сингари партиямиз етакчилари алоҳида ташаббус кўрсатдилар, — дейди О.Аширов.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадбиркорликнинг ривожланиши нафақат мулкка эгаллик ҳиссини орттиради, балки эртанги кунга дахлдорлик ва ўзига бўлган ишонччи ҳам мустақамлайди. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг тинч, босқичма-босқич тараққий этиши ва одамлар фаровонлигини таъминлашда ниҳоятда муҳимдир. Шу боисдан ҳам истиқлол йилларида ўрта синфни шакллантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Натижада бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари то-

монидан ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 54 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Сўнгги йилларда тадбиркорлик соҳасида ўз ишини очиб учун рўхсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш, соҳага оид қонунчиликнинг такомиллаштирилиши Шайхонтохурда ҳам хусусий тадбиркорлар сонининг ортишига имкон яратди. Бунда, айникса, хўжалик субъектлари учун ягона солиқ ставкасининг 2005 йилдаги 13 фоиздан 6 фоизга туширилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

— Бугун туманимизда жами 4607 тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг деярли барчаси яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу тадбиркор учун ниҳоятда муҳим. Чунки бундай шарт-шароитларда ишлаш бир маҳаллар биз учун гўё ушалмас орзу эди, — дейди О.Аширов. — Шаҳсан ўзим 90 йиллар бошида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун жуда катта тўсиқларга учираганман. Уша пайтларда оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик деган сўзни эшитганда, одамлар бир қалқиб тушардилар. Гўё тадбиркорлик билан шуғулланиш давлатга путур етказиш, дея баҳоланарди. Мустақиллик туғайлигина биз — мулкдорлар бугунги кулайликларга эришдик. Бугун ўз бизнесимиз орқасидан нафақат моддий манфаат, балки одамлар орасида обрў-эътибор ҳам топдик. Бу борадаги тажрибаларим орқали эса тадбиркорликни ривожлантириш билан иж-



тимой йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш мумкин, деган қатъий ҳулосага келдим. Негатки, жамиятда мулкдорлар қатламининг шаклланиши айрим ижтимоий масалалар: янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг моддий ва маънавий фазолигини таъминлаш кабиларни ижобий ҳал этишда муҳим аҳамият касб этапти.

Одилжон Ашировнинг фикрича, айни пайтда тадбиркорликнинг ижтимоий масъулиятини ошириш масаласи жиддий ёндашувни талаб этади. Бугунгача бевосита партиясиз туман кенгаши ташаббуси билан шу йўналишда 80 дан ортик тадбирлар ташкил этилди. Уларда аҳоли ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, хусусий сектор вакиллариининг жамият ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

— Натижалар ёмон эмас, — дейди О.Аширов. — Бизнеснинг ижтимоий масъулиятини тўғри англаган фаол аъзоларимиз кўмағида туманининг «Катта боғ» маҳалласида болалар учун спорт майдончаси, «Эшонгузар» маҳалласида 50 ўринга мўлжалланган маҳалла гузарини қуриб фойдаланишга топширдик. «Қамолон» ҳамда «Янги шаҳар» маҳаллалари аҳолисининг мурожаати асосида эса ҳудуддаги канализация тармоқлари ва газ қувурлари янгиланди. Бундан ташқари, туманимиздаги ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллалар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу борада туман партия кенгашида тузилган рўйхат асосида ҳар ойда ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилаётган.

Буларнинг барчаси Юртбошимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва ху-

сусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида узоқни кўзлаб амалга оширилган ислохотларнинг натижасидир. Ички бозорларимизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириб, аҳолини, айникса, ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг муносиб даромад топиши, эртанги кунга ишонч билан боқилиши эришишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни нечоғлик муҳим экани бугун ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Бир сўз билан айтганда, ўз сафларида 1900 нафар аъзони бирлаштирган партиясиз Шайхонтохур туман кенгаши фаоллари юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг олдинги сафида бўлиш, демократик янгиланишлар жараёнида эса янада фаол иш олиб боришга интиломоқдалар. Зеро, бир ёқадан бош чиқариб ишлаш орқалигина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

## «Клиника» тез ёрдамга тайёр

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг қошида фаолият олиб бораётган «Юридик клиника»да шу кунгача мингдан зиёд фуқарога ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган бўлса, уларнинг ярмидан ортигини тадбиркорликка энди қадам қўйган мижозлар ташкил этмоқда**



Шухрат РАҲИМОВ,  
«XXI ASR»

Одатда клиника деганда кўз ўнгимизда тиббий ёрдам кўрсатувчи муассаса пайдо бўлади. Республикада 2000 йилдан буён ноанъанавий усулда ташкил этилган «Юридик клиника»лар ҳам бугун фуқароларга тез ва малакали ҳуқуқий хизматлар кўрсатиб келмоқда. Ана шу хусусияти билан ҳам улар фаолияти беихтиёр тиббий клиникалар фаолиятини

эслатади. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг «Фуқаролик ҳуқуқий кафедраси ўқитувчиси Журъат Раҳмонбековнинг таъкидлашича, ҳуқуқий йўналишга ихтисослашган мазкур клиникада мижозларга асосан мулк, меҳнат, оила, турар-жой, мерос ва албатта экология масалаларида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади. Клиника ишига университетнинг «Халқаро ҳуқуқ» факультетида тахсил олаётган, махсус танловдан ўтган юқори курс талабалари жалб эти-

либ, улар нафақат юридик маслаҳатлар бериш, балки ўз малакаларини ошириш имкониятига ҳам эга бўлмоқдалар. Клиникада жаҳон стандартлари асосида ўзига хос таълим тизимини шакллантирилганини ва у икки босқични ўз ичига олганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Биринчиси — сеестр давомидида фаол ва интерфаол таълим методларидан фойдаланган ҳолда тренингларида иштирок этиш бўлиб, ушбу курси муваффақиятли ўтган талабалар клиникага

мурожаат қилган мижозларга бевосита ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Иккинчи босқич эса талаба олий ўқув юртини битиргунча давом этади. Бу давр мижозлар муаммоси билан танишиш, уларга ёрдам кўрсатиш, ёзма ва оғзаки маслаҳатлар бериш ҳамда зарур ҳужжатлар тайёрлашни ўз ичига олади.

— Юридик клиникада икки йилдан бери адвокатлик амалиёти бўйича тажриба ошираётган, дейди Халқаро ҳуқуқ факультетининг 5-курс талабаси Бекзод Раҳмонов. — Тажрибали ҳуқуқшунос Ирина Черкашина раҳбарлигида кўп нарсаларни ўргандик, билимларимизни амалиёт билан боғладик. Мени, айникса, ҳаётини муаммолар бўйича фуқаролик ишлари билан танишиш, улар юзасидан мижозларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва суд жараёни учун тегишли далил ва ҳужжатларни йиғиш қизиқтиради. Бугунгача 14 та фуқаролик ишларини кўриб чиқиб, уларнинг аксарияти бўйича адолат қарор топишига эришдик. Келажакда халқаро ҳуқуқшунос сифатида хориждаги элчионаларимизда ишламоқчиман. Имкониятдан фойдаланиб, клиникамизда фуқароларга бегараз ҳуқуқий ёрдам

кўрсатилаётганини, аммо бу фаолиятдан кўпчилик беҳабарлиги учун уни матбуотда кўпроқ тарғиб қилиш кераклигини таъкидламоқчи эдим...

Биз клиника фаолияти билан танишганимизда, ҳозирдагидек фикр-мулоҳазаларга қарамай, бу ерда бепул ва сифатли ҳуқуқий ёрдам олиш учун мурожаат қилувчилар сони сезиларли даражада ошганига гувоҳ бўлдик. Клиниканинг замонавий жиҳозлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлангани эса барча мижозлар қатори жисмоний имконияти чекланган ҳамда ижтимоий кам таъминланган фуқароларга ёрдам кўрсатиш доирасини кенгайтирмоқда. Ёш ҳуқуқшуносларнинг таъкидлашича, шу кунгача 200 дан ортик шундай фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилган.

2006 йилдан бери мазкур клиника БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Клиника бегараз ёрдам кўрсатиш борасида катта тажрибага эга бўлса-да, фаолият самардорлигини янада ошириш ҳамда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш мақсадида бу ерда бир қатор янги лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқда.

Ҳисобот-сайлов конференцияси олдидан

## Амалий ишларга қараб баҳо берилиши керак

**Бугун жамиятимиз ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, демократик янгиланишларни сиёсий партияларнинг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Зеро, улар омма онги ва тафаккурига ғоявий таъсир кўрсатадиган қудратли ҳамда даъваткор кучдир**

Зулфия МАМАЖОНОВА,  
О'зЛиДеР Қўқон шаҳар кенгаши раиси,  
Неонатология маркази раҳбари

Ислохотларнинг янги босқичи, айникса, сиёсий партиялар зиммасига янгидан-янги вазифалар юкламоқда. О'зЛиДеР Қўқон шаҳар кенгаши ана шундай масъулиятдан келиб чиқиб, ўз фаолият доирасини кенгайтириш, аҳоли қатламлари орасига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилаётир. Бунда тарғибот-ташвиқот ишларининг юқори самардорлигига эришиш асосий мақсадларимиздан биридир.

Айни пайтда Қўқон шаҳрида 365 нафар партия аъзоси бўлиб, тарафдорлар сафини кенгайтириш, улар ишончини қозониш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Энг муҳими, партия ташкилотимиз мамлакатда ўтказилган кейинги сайловларда фаол иштирок этиб, ўзининг муносиб ўрнини эггаллади. Қарийб етти йилдан бери О'зЛиДеР вакили «Қўқон» сайлов округи бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати саналади. Яна бир вақилимиз — Сенатор. Шунингдек, шаҳар кенгашидаги депутатларнинг кўпчилигини партиямиз аъзолари ташкил этадилар.

Халқ билан ҳамнафас бўлиш, унинг мушкулларини омон қилишда яқиндан қўллаш партияимиз ўртага қўйган устувор вазифалардан биридир. Бу хайрли саз-ҳаракатлар жойларда ўз самарасини ҳам бермоқда. Узоққа бормайлик. Кейинги йилларда шаҳар ҳудудидаги 65 та маҳалла фуқаролар йиғинлари замонавий компьютерлар билан таъминланиб, ягона электрон тизимига асосланган «Статназорат» лойиҳаси амалга оширилди. Шаҳар миқёсида электрон ҳокимият, яъни фуқаролик ҳолатларига оид электрон база яратилди. Хусусан, «Универсалбанк» бошланғич партия ташкилоти молиявий кўмағида шаҳардаги мавжуд МФЙларнинг республикада биринчилар қаторида компьютерлаштирилганлиги таҳсинга лойиқдир.

«Соғлом она — соғлом фарзанд» лойиҳаси бўйича ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан қўланган асосий мақсад шаҳарда яшовчи ҳомиладор аёлларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, уларни бепул дори-дармонлар билан таъминлаш, сиҳат-саломатликларини янада яхшилашдан иборат. Ана шу интилошлар туфайли кейинги ярим йил мобайнида шаҳар ҳудудида оналар ва болалар ўлими қузатилмади. Лойиҳани ҳаётга жорий этиш учун ҳомий ташкилотлар томонидан 8,5 млн. сўм маблағ сарфланди. Бу борада шаҳар партия кенгаши фаоллари ташаббус кўрсатдилар.

Ислохотлар талабидан келиб чиқиб, ғоявий-сиёсий ишларни такомиллаштириш, аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларига нисбатан ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлишга ҳаракат қилаёмиз. Шаҳарда чиқиндиларни саранжомлаш кўндан бери муаммо бўлиб келар эди. Бу масалада ҳам О'зЛиДеР шаҳар кенгаши фаоллари ташаббуси ўз қўлларига олдилар. Ҳомийлик асосида 270 млн. сўм маб-

лағ йиғилиб, Хитойдан 11 та махсус автомашина, 2 та автоюклагич олиб келинди. Ҳозирда улар аҳоли мушкулларини омон қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йил бўйи депутатлик назоратига олинган бўлиб, ушбу масала доимий комиссиялар томонидан муҳракима қилиб борилади. Мавжуд 6 та доимий комиссиянинг 4 тасига О'зЛиДеР вакиллари раислик қилмоқдалар. Бу, шубҳасиз, зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Махсус ишчи гуруҳ томонидан яқинда шаҳарнинг санитария-эпидемиология аҳоли атрофида ўрганиб чиқилди ва бу ҳақда амалий тақлифлар тайёрланиб, халқ депутатлари шаҳар кенгаши сессияси муҳокама-сига киритилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ажратилган кредитларнинг тақсимланиши, мулкий муносабатларни йўлга қўйиш борасида ДСИ ва тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясида амалга оширилаётган ишлар, тадбиркорлик соҳасида айрим тўсиқларга учраган фуқароларнинг муурожаатлари ҳам доимий эътибордадир.

Шаҳримизда иқтидорли ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Уларнинг жисмоний чиниқилари, ўз лаёқатларини тўла намоён этишлари учун доимий гамхўрлик кўрсатилмоқда. Бунинг натижасида кўкнарик бир неча спортчилар бокс бўйича ўтказилган республика ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли катнашиб, фахрли ўринларга сазовор бўлишди. 2004-2011 йиллар давомидида ХОАТБ «Универсалбанк» томонидан биргина Бокс федерацияси учун жами 33 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бу партиямиз фақат ғоявий-сиёсий ишлар билан чекланиб қолмай, ҳаётнинг ички қатламларига чуқурроқ кириб бораётганини ва омманнинг ижтимоий муаммоларига ҳам «елка» тутаётганини кўрсатади.

Бундан ташқари, юртдошларимиз томонидан эътироф этила бошланган ва жажжи фарзандларимиздан ташкил толган «Қаро кўзим» мақомчилар ансамбли ҳам молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, Тошкент шаҳрига «Озод шоу» теледастурида иштирок этишлари учун амалий ёрдам берилди. Уларга миллий кийим-кечақлар олиб беришдан тортиб, республика миқёсидаги нуфузли тадбирларда иштирок этишларини ҳам О'зЛиДеР аъзолари ўз зиммаларига олганлар.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан эса 15 нафар ўқув-қизларимиз «Сен бахтли бўлиш учун туғилгансан» кўрғазмасида иштирок этиб қайтишди. Мухтасар қилиб айтганда, 20 га яқин бошланғич ташкилот атрофида уюшган партия фаолларимиздан қўрдон ҳамшаҳарларимизнинг қувончу ташвишлари биз учун асло бегона эмас. Даъваткор сўзимиз, хайрли амалларимиз билан уларнинг ҳаётига, қалб дунёсига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилаёмиз. Шу боис тарафдорлар сафи тобора кенгаймоқда. Зеро, ҳар қандай сиёсий партия каби О'зЛиДеР ҳам омма билан кучли ва омма билан бардавондир.

## Туман шаҳарга дастурхон ёзди

Қўтлуг саналар арафасида Бухоро шаҳрида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасини ташкил этиш аънаанага айланган қолган. Бу йил ҳам фермерлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрловчи корхона ва ташкилотлар томонидан сархил мева-чева, қовун-тарвуз ва бошқа маҳсулотлар шаҳарликлар дастурхонини безамоқда. Ана шундай ярмаркалардан бири Бухоро тумани соҳибкорлари томонидан ташкил этилди.

Шу куни шаҳарликларга жами 45 тонна мева-чева, 52 тонна сабзавот, 2,5 тонна гўшт, 29 тонна полиз ва консерва маҳсулотлари сотилди.

## «Дўстлик» 2,5 миллионни кўзламоқда

2011 йилнинг апрель ойида Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли «Дўстлик» агрофирмаси ҳудудида қурила бошланган янги паррандачилик фермаси 1 август куни ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Вилоят ҳокимлиги сайтида хабар қилинишича, 30 минг товуқ ва 36 минг бройлер жўжа етиштиришга мўлжалланган корхонада йил охиригача 2,5 миллион дона тухум, шунингдек, 9,2 тонна парранда гўшти харидорларга етказиб берилади. Маълумотларга кўра, бугунга қадар қарийб 1 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилган фермага «Техна» (Украина) корхонасининг ишлаб чиқариш линияси ўрнатилди. Жўжаларни эса «Тошкент парранда» МЧЖ етказиб беради.

# БАНК ТИЗИМИ



28 (400)-СОН

2011 йил 14 июль,  
пайшанбаe-mail:  
axborotXlasr@yahoo.com

*Истиқлол йилларида юртимизда жаҳон андозаларига мос, замонавий банк тизими шаклландики, бу айни соҳада танлаган йўлимизнинг нақадар тўғри эканини яққол кўрсатиб турибди. Эндликда банк муассасалари иқтисодийнинг қон томирларига айланиб, халқ ва жамият манфаатларига хизмат қилмоқдалар. Хусусан, тижорат банклари тармоғи йил сайин кенгайиб бораётгани, улар томонидан миқдорларга юксак талаблар даражасида хизмат кўрсатилаётганлиги таҳсинга лойиқдир*

## Хусусий секторга бирламчи эътибор

**«Агробанк»нинг Наманган вилоят бршқармаси томонидан истиқболли лойиҳаларнинг молиялаштирилиши натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида 1192 та хўжалик субъектига 10675 млн.сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Фарғона водийсининг аҳолиси зич ҳудудда 1607 та қўшимча иш ўрни яратилгани, шунингдек, 907 та миқдорга 2297,1 млн. сўм миқдорда микрокредитлар берилгани эса банк раҳбариятининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратаётганини кўрсатмоқда**

Маҳсулотни етиштириш бошқа, уни қайта ишлаш, чиройли ва сифатли қадоқланган ҳолда харидорга етказиш бошқа, албатта. Бу ҳам, шубҳасиз, сармоёга бориб тақалади. Аҳолининг маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондириш ҳамда қайта ишлаш корхоналарини қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган 2470 млн. сўм кредит ҳам бугун вилоят аҳли фаровонлигига хизмат қилмоқда. Банкнинг вилоятда ноозиқ-овқат истеъмол товарларини кўпайтиришга ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жорий йилнинг ўтган даврида 1906 млн. сўм миқдордаги сармоё айнан шу мақсадга ажратилганлиги фикримизга мисол бўлиши мумкин.

Банк миқдорларининг аксариятини аграр соҳа вакиллари ташкил этади. Масалан, «Намтоҳон Хурсанов» ҳамда «Низомиддин Хусн Жамол» фермер хўжаликлари жами 63,2 млн. сўм миқдорда кредит олиб, янги боғ барпо этдилар. Шу ҳисобдан 18 та иш ўрни яратилди. Чортоқ филиали миқдори «Дилбар» хусусий фирмасига эса интенсив боғ яратиш мақсадида 35 млн. сўм миқдорда кредит берилди. Айни пайтда янги боғда 8 нафар соҳибкор меҳнат қилапти. Қишлоқларда ишлаб чиқаришни йўлга қўётган тадбиркорлар ҳам мазкур банкнинг доимий кўмагидан фойдаланмоқдалар. Масалан, Учқўрғон туманидаги «Муҳиддин қалб гавҳари» масъулияти чекланган жамияти 200 млн. сўм миқдордаги кредит эвазига қоғозни қайта ишловчи дастгоҳ харид қилиб, 10 кишини доимий иш билан таъминлади.

Мамлакатимизда қабул қилинган истиқболли режалар ички бозорни қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг бу борадаги ҳаётий эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этапти. Вазирлар Маҳкамасининг «2009-2012 йилларда Наманган вилоятда саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури» тўғрисидаги қарори барча қатори «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклатди. Ушбу муҳим ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун бугун барча имкониятлар ишга солинапти. Жумладан, «Заркент текстил» хусусий фирмасининг илпак хом ашёсини ишлаб чиқаришга мўлжалланган 500 миң АҚШ доллари миқдордаги инвестиция лойиҳаси ўз вақтида молиялаштирилгани туфайли 240 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, «Namangan Motiq Sochiqlar» масъулияти чекланган жамиятининг 416 миң АҚШ доллари миқдордаги лойиҳаси туфайли Швейцария ва Франциядан замонавий дастгоҳлар олиб келинди. Ҳозир ушбу жамоада 62 киши меҳнат қилмоқда. Фақат шунгина эмас. «Ифтихор Кийим Саноат» масъулияти чекланган жамиятининг Туркия ва Германиядан замонавий дастгоҳлар харид қилиш мақсадидаги 556 миң АҚШ доллари миқдордаги инвестиция лойиҳаси қўллаб-қувватланиши натижасида эндликда корхонада кунига 150 та эркаклар костюми ишлаб чиқарилапти. Эътиборлиси, корхонада тайёрланаётган маҳсулот сифати юқори, таннархи эса арзондир.

Умуман, бугун вилоятда «Агробанк» хизматлари кириб бормаган соҳа йўқ, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилапти. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу йўналишга 797,8 млн. сўм миқдорда сармоё ажратилиб, 301 киши иш билан таъминланди.

Оилалар турмуш фаровонлигини ошириш, айниқса, ёш оилаларга зарур ёрдам кўрсатиш давлат аҳамиятига молик энг муҳим вазифалар сирасига кирди. Шунинг эътиборига олиб, «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 29 та ёш оиллага 313,5 млн. сўм кредит ажратилди.

Банк фаолиятдан бундай ибратли мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Зеро, банкнинг мақсади ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга муносиб ҳисса қўшиб, миқдорлар сафини янада оширишдир.



## Кредит сармояларидан — юксак тараққиётга

**Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг иқтисодий ва ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилаётгани янгидан-янги ютуқларга замин бўлаётир**

«Тадбиркорлик — тараққиётнинг мустаҳкам таянчи» шioriга амал қилаётган очиқ акциядорлик-тижорат «Асакабанк»нинг Хоразм вилояти филиали ҳам давр талабидан келиб чиқиб, ўз фаолият доирасини кенгайтирмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида хусусий секторга 8,9 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилгани натижасида 208 киши доимий иш билан таъминланди. Йил охиригача эса барча манбалар ҳисобидан ушбу тармоққа 10 млрд. сўмдан ошмиқроқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Шунингдек керакки, филиал сармоялари асосан ишлаб чиқариш учун зарур бўлган янги ускуналар, эҳтиёт қисмлар харид қилиш, замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқа мақсадларга мўлжалланган истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришга хизмат қилаётир.

Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш орқали ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уларни теҳник ва технологик янгилашга оид инвестицион лойиҳаларни самарали жорий этиш, шу орқали ички ва ташқи бозорда харидорлар бўлган юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга эришиш айни кундаги устувор вазифалардан бирига айланган. Ана шу мақсадда банк томонидан 32 млрд. сўм миқдордаги инвестициялар йўналтирилди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳам доимий эътиборда. Бу йил вилоятдаги 6 та ёш оила банкдан 372,5 млн. сўм миқдордаги ипотека ва истеъмол кредити олиб, янги уй ва рўзғорбоп жиҳозлар харид қилишга эришди. Йил якунигача яна 427,5 млн. сўм сармоё ажратиш кўзда тутилган. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланган оилаларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун хизмат қилаётир.

Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ана шу мақсадда ҳозиргача тармоққа 1 млрд. сўм маблағ

йўналтирилди. Натижада бозор пештахталарида сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайиб, аҳолининг уларга бўлган талаб-эҳтиёжи тўла қондириляпти. Энг муҳими, ички бозор ўзимида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бойиб бораётгани қувонарли ҳолдир.

Мамлакатимизда тўлов тизимини такомиллаштиришда банк пластик картчалари муҳим ўрин тутди. Зеро, пластик картчка, биринчидан, аҳолига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида олиш имконини берса, иккинчидан, коммунал тўловлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, корхона ва ташкилотларда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тезкор амалга оширишда қўлайлик яратди. Бугунги кунда Хоразмда 38,2 миң нафар киши «Асакабанк» пластик картчаларидан баҳраманд. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган 261 та терминал харидорлар хизматида. Вилоятда 222 та ташкилот банк томонидан таклиф этилган «Иш ҳақи» лойиҳасини қабул қилди. Шунга қўра, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми кенгайиб, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида савдо айланмаси 10,2 млрд. сўмни ташкил этди. Мазкур молия муассасасида Халқаро пластик картчалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимини кенгайтиришга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Халқаро картчалар сони ҳозиргача 4321 тага етказилди. Шунингдек, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш ва нақд пул айланмасини қисқартириш мақсадида банк томонидан миқдорларга 10 та янги омонат турлари таклиф этилди. Айни кунда ушбу омонатларга аҳолининг 31,4 млрд. сўм миқдордаги маблағи йўналтирилиб, даромад манбаига айлантирилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, дунё тамаддунининг қадимий бешикларидан бири саналган Хоразмда иқтисодий ислохотлар кун сайин чуқурлашиб бораётир. Бу борада, шубҳасиз, «Асакабанк»нинг вилоят филиали жамоаси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшапти.

## «Амирбанк»: тадбиркорлик равнақи йўлида

**Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Қарши шаҳрида илк филиалини очишни режалаштираётган хусусий очиқ акциядорлик-тижорат «Амирбанк» молия бозорига салкам тўрт йилдан бери фаолият юритиб келаяпти. Ушбу муассаса жамоаси мамлакатимиз банк тизимида тўпланган бой тажриба ва жаҳон амалиётидаги замонавий усуллардан фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқда**

Банк миқдорлари сафида кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар салмоқли ўринни эгаллайди. Улар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Утган қисқа давр мобайнида хусусий сектор ривожини учун 72 млн. сўм кредит ажратилди. «Амирбанк»да тадбиркорлар учун барча шарт-шароитлар муҳайяс, десак, адашмаймиз. Жумладан, «Тадбиркорлар хонаси» улар хизматида. Фақат шунгина эмас. Банкнинг «Барака» ва «Адолат» минибанкларидан «Тадбиркорлик бурчаги» фаолият юритапти. Бу ерда ишбилармонлар ўзлари учун таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида зарур маълумотга эга бўлишлари мумкин.

Банк жамоаси инвестицион кредитлар саломини ошириш, унинг умумий кредитлардаги улушини 56,7 фоизга етказишни мақсад қилган. Йил бошидан ҳозиргача 3,080 млн. сўм миқдорда инвестицион кредит ажратилди. Ушбу сармоё, шубҳасиз, кичик бизнес субъектлари тараққиётига хизмат қилаётир. Банк миқдорлари инвестицион кредит ажратилди. Ушбу сармоё, шубҳасиз, кичик бизнес субъектлари тараққиётига хизмат қилаётир. Банк миқдорлари инвестицион кредит ажратилди. Ушбу сармоё, шубҳасиз, кичик бизнес субъектлари тараққиётига хизмат қилаётир.

Банк миқдорлари инвестицион кредит ажратилди. Ушбу сармоё, шубҳасиз, кичик бизнес субъектлари тараққиётига хизмат қилаётир. Банк миқдорлари инвестицион кредит ажратилди. Ушбу сармоё, шубҳасиз, кичик бизнес субъектлари тараққиётига хизмат қилаётир.

Маълумки, республикамиз аҳолисининг арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунга қўра, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун «Амирбанк» томонидан 330 млн. сўм кредит ажратилди. Ўтаётган ойда эса «Avtobanloyiha» корхонасининг бизнес лойиҳаси молиялаштирилиб, бунинг учун 472,5 млн. сўм сармоё йўналтирилди. Айтиш жоизки, ажратилган маблағларнинг самараси ўларок, жойларда аҳоли бандлигини таъминлашда яхши натижаларга эришиляпти. Ўтган давр орасида молиялаштирилган лойиҳалар ҳисобига қўшимча 86 та янги


иш ўрни яратилгани фикримиз далилидир. Иқтисодий барқарор ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги, хусусан чорвачилик муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, бозорларда гўшт, сўт, тухум, балиқ ва бошқа маҳсулотлар селоблигини таъминлаш устувор вазифалардан бири экани сир эмас. Жорий йилда чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш мақсадида «Амирбанк» томонидан 10 млн. сўм кредит йўналтирилди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун банкнинг 2978,2 млн. сўм капитали киритилган.

Юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини ошириш, уларнинг ишлаб чиқариш, жумладан, тадбиркорлик соҳасидаги иштирокини кенгайтиришга жиддий эътибор берилмоқда. Бу борада тижорат банкларининг молиявий ёрдами катта бўлаётир. Жорий йилда ана шу мақсадлар учун 148,7 млн. сўм сармоё

йўналтирилди. Қолаверса, ўз бизнесини йўлга қўйишни истаган касбхуна қоллежи битирувчиларига банк томонидан 24,7 млн. сўм кредит берилди.

Ҳар қандай банкнинг асосий капитали бу — миқдорлар ва ишбилармон ҳамкорларнинг унга бўлган ишончидир. Хусусан, қўллаб омонат турлари ўзаро ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. «Амирбанк» тақдим этаётган «Баҳор тухфаси», «Муборак», «Умид» каби омонат турларига жорий йил июль ҳолатига кўра 2903,9 млн. сўм маблағ жалб қилинди. Эътиборлиси, шундан мунддатли омонатлар 2310,6 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, хусусий очиқ акциядорлик-тижорат «Амирбанк» республикамиз молия бозорига тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётир. Истикболдаги режалар янада катта. Хизмат сифати ва маданиятини ошириш, миқдорлар ва филиаллар сонини ошириш учун барча имкониятлар ишга солинапти.



## ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

### Раҳмат ва хайр!

«Орадан 168 йил ўтиб, биз қайғу ва ифтихор билан 7,5 миллион содид муштарийларимиз билан видолашамиз». Утган ҳафтада 1843 йилдан буён чоп этилаётган Буюк Британиянинг энг оммавий ва машҳур газетаси «News of the World»нинг сўнги нашридан жой олган «Раҳмат ва хайр!» номли бош мақола ана шу жумла билан бошланади. Сабаби — газета эгаси, медиа-магнат Руперт Мердок шундай қарорга келган. Бунга сабаб журналистларнинг информация олишда бир неча бор қонунбузарликка йўл қўйганликлари. Телефон қўнғироқларини эшитиш таъқиқланганига қарамай Бирлашган Қиролликда мухбирлар томонидан минглаб инсонларнинг телефон орқали суҳбатлари ноқонуний тарзда тинглаб борилган. Мазкур ҳолат газетанинг содид бош муҳаррири ва бир неча мухбирнинг ҳибсга олинишига сабаб бўлган эди.



finally say a sad but very proud farewell to our 7.5m r

Жорий йилнинг 9 июль санасида ўз мустақиллигини эълон қилган Жанубий Судан президенти Сальве Киир мамлакатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилишларини сўраб ариза берди. Агар мурожаат қондирилса, халқаро ҳамжамиятга аъзо давлатлар сони 193 та бўлади.

### БМТ сафи кенгаймоқда



Жорий йилнинг 9 июль санасида ўз мустақиллигини эълон қилган Жанубий Судан президенти Сальве Киир мамлакатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилишларини сўраб ариза берди. Агар мурожаат қондирилса, халқаро ҳамжамиятга аъзо давлатлар сони 193 та бўлади.

### «Саратон»ли лойиҳа

Хабарларга қараганда, Франциянинг Innate Pharma биотехнологик компанияси Американинг Bristol-Myers Squibb фармацевтик корпорацияси билан биргаликда саратон касаллигига қарши янги дори воситасини ишлаб чиқишга оид битим имзолади. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 300 млн. еврога тенг, дея баҳоланмоқда. Шу муносабат билан Innate Pharma акциялари биржада 70 фоизга кўтарилиб, компаниянинг бозор капитализацияси 85 млн. еврога ошган.



### ЖБ хавфсизлик учун 1 миллиард ажратди




Марказий Америка мамлакатларидаги хавфсизлик учун Жаҳон банки 1 млрд. доллар миқдорда маблағ ажратади. Америка мамлакатлари тараққиёт банки шу мақсад учун 500 миллион доллар йўналтиришини маълум қилган. Ушбу маблағ бир неча қисмларга бўлинган ҳолда икки йил муддатда ўтказилади. АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон расмий Вашингтон томонидан Марказий Америка мамлакатлари учун ҳар йили ажратиладиган пул миқдори келаси йилдан бошлаб оширилишига ваъда берган эди. Тахминларга кўра, ушбу маблағлар биринчи навбатда, уюшган жиноятчиликка, хусусан, нарккартелларга қарши курашга сарфланади.

### Сайёҳлар учун янги солиқ тури

Август ойи охиридан бошлаб Венецияга ташриф буюрган сайёҳларга алоҳида солиқ солинадиган бўлди. Шаҳар кенгаши томонидан ишлаб чиқилган қонунга биноан, солиқ қиймати сайёҳ яшайдиган меҳмонхона юлдузчаларига қараб 1 доллардан 5 долларгача баҳоланади. Имтиёзлар эса фақатгина кичик турар-жойларда яшайдиган сайёҳларга берилади. Маълумотларга қараганда, солиқ фақатгина илк беш кунликда тўланади, холос. Мамлакатдан йўл-йўлакай ўтаётганлардан солиқ ундирилмайди. Таъкидлаш жоиз: қадимий Венециянинг маданий, тарихий, табиий меросини асраш вазифасини бажарадиган «Италия ностра» Миллий ассоциацияси бундан аввал БМТга шаҳарни сайёҳлар оқимидан асраш борасида кўмак сўраб мурожаат этган эди. Ассоциация фаолларининг фикрича, сайёҳлар эҳтиёжини қондириш учун фойдаланиладиган сув транспортларининг кўпчилиги шаҳар архитектураси ва экологик муҳитга жиддий зарар етказа бошлаган.

### Чилла Европага хавф солмоқда



Европа мамлакатларида ҳароратнинг ҳаддан зиёд иссиши кузатилмоқда. Хусусан, Болгарияда ўртача ҳарорат 38 градусни ташкил этмоқда. Синоптикларнинг таъкидлашича, ушбу кўрсаткич янада ортиши мумкин. Худди шундай ҳолат Венгрияда ҳам ҳукм сурмоқда.

Максимал даражадаги хавф-хатар Италияда кузатилиб, Милан, Болонья, Перужа, Пескар ва Больцано шаҳарларида иссиқлик 40 даражага етган. Яқин кунларда бундай иссиқ ҳароратнинг Рим, Флоренция ва Тренто каби шаҳарларга ҳам етиб келиши кутилмоқда.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади

# «Оқ оғу»нинг қора доғлари

Жаҳон оммавий ахборот воситалари БМТнинг наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси маълумотларига асосланиб, дунёда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси глобал уюшган жиноий гуруҳлари маблағ билан таъминлаётганини, хусусан, қорадори савдосидан олинаётган даромад 68 миллиардга, кокаинники эса 85 миллиард АҚШ долларига етганини таъкидламоқда.

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ



Дарҳақиқат, гиёҳванд моддалар савдоси дунёнинг турли нуқталаридаги барқарорлик, хавфсизлик ва одамлар соғлиғига жиддий пугур етказаетир. Сайёрамизда ҳамон миллионлаб кишилар ана шу захри қотил курбонига айланмоқдалар. Биргина ўтган йилнинг ўзида жаҳон бўйлаб 210 миллион (15-64 ёшлар оралиғидаги) киши ҳеч бўлмаганда бир мартаба таъқиқланган моддани истеъмол қилган бўлса, наркотиклар туфайли ҳар йили ўртача 200 минг киши ҳаётдан кўз юмаяпти.

Маълумотларга қараганда, наркотик моддаларнинг мавжудлиги инсониятга бир неча минг йил аввал ҳам маълум бўлган. Фақат қадим замонларда улардан ўзига хос мақсадларда, яъни диний маросимларда, ҳолдан тойдан кишининг кучини тиклаш ва бошқа тиббий муолажалар учун фойдаланилган. Лекин бир кун келиб унинг инсоният бошига талай балолар ёғдириши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган. Шунинг учун бўлса керак ҳатто XX асрнинг бошларига қадар наркотик моддаларни етиштириш ва истеъмол қилиш бўйича бирон-бир жиддий қаршилик кўрсатилмаган. Тўғри, афюн моҳиятига эртароқ тушунган олимлар, жамоат арбоблари у ёки бу турдаги наркотик модданинг зиён-захмати ва унга қарши курашиш ташаббуси билан чиққанлар. Аммо ўша кезларда уларни қўллаб-қувватловчи кучлар ҳали шаклланмаган эди. Энди эса захри қотил зарари тўлиқ тушуниб етилган, унга қарши кенг миқёсда кураш бошланди.

Ўтган асрда дунё мамлакатларида уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий воситалари ишлаб чиқилди. Хусусан, наркотик ва психотроп моддалар устидан халқаро назорат тизими яратилди. Ҳозирда амал қилаётган кўптомонлама халқаро ҳужжатлар орасида 1961 йилдаги «Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида», 1971 йилда қабул қилинган «Психотроп моддалар тўғрисида» ва

1988 йилда қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Психотроп ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш тўғрисида»ги конвенцияларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Мазкур ҳужжатларнинг ҳар бири наркотик воситалар ва психотроп моддалардан фақат тиббий ва илмий мақсадларда, шунда ҳам чекланган ҳолда фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги нормаларга эга. Афсуски, ана шундай таъсир чораларига қарамай, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш ҳамон долзарблигига эришолмади.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши инсоният ҳаётига хавф солиб турган учта муаммони, яъни оммавий қирғин куролларининг кўпайиши, инсонларнинг нотўғри, нотабиий фаолияти оқибатлари ва ният, наркотик тарқалишини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Бугун ана шу хавфлардан бири — наркотик қирғин куролларидан ҳам кўпроқ ташвиш келтираётгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Шу ўринда наркомания ер юзининг кўп қисмида тарқалган камраб олган ўта хавфли эпидемия сифатида тилга олинаётганини таъкидлаш керак. Чунки мутахассислар гиёҳванд моддалар жиноятлар сонини ўрта ҳисобда икки баробарга ошириб юборганини тилга олаётганлар. Кейинги йилларда ушбу

оғу МДХ мамлакатларида ҳам кенг тарқала бошлади. Масалан, аноним тарзда ўтказилган сўров натижаларига кўра, россиялик ёшларнинг 95 фоизи умрида ҳеч бўлмаса бир мартаба наркотик модда таъминоти татиб кўрганларини тани олганлар. Маълумотларга кўра, ушбу мамлакатга олиб кирилатган оғунинг фақат ўн фоизигина ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар томонидан қўлга олинган экан. Демак, қолган тўқсон фоизи «истеъмолчилар» қўлига етиб бораёпти.

Маълумки, бу оғу қашшоқликда кун кечираётган афгон халқи учун энг сердаромад қилмоқда хўжалиги маҳсулотига айланб қолди. Уни етиштириш ва ноқонуний савдо қилиш Марказий Осиё давлатлари учун жиддий муаммага айланган ҳам шундан. Айни пайтда мазкур минтақа наркотиклар учун Европага транзит йўл вазифасини ўтаётди. Европада сотилаётган героиннинг тўртдан уч қисми Афғонистон ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам муаммонинг қанчалар чуқур илдиз отгани ва БМТ хулосалари бежиз эмаслигидан далолат беради. Ачинарлиси, Россия ва Европага етказиб берилётган қорадорининг маълум қисми транзит йўл сифатидаги мамлакатларда ҳам қолиб кетмоқда. Бу ҳол маҳаллий аҳоли ўртасида оғуфурларнинг кўпайишига сабаб бўлаётди. Тўғри, Афғонистонда террорчиликка қарши курашаётган ва хавфсизликни таъминлашга ҳаракат

қилаётган халқаро коалиция кучларининг сайё-ҳаракати билан наркобизнес майдонлари бир мунча камайди.

Бироқ мамлакатда иқтисодийнинг бошқа тармоқлари деярли йўқ даражада экани боис афгонларнинг наркотик етиштиришдан осонликча воз кечмасликлари табиий. Эътибор беринг: бугун мамлакат фуқароларининг 80 фоизи ишсиз. Демак, шунча одам қашшоқ ҳисобланади. Жамиятда кучга тўлган ёшлар кўпчилигини ташкил этгани ва тирикчилик қилишнинг имкони бўлмагани сабабли толиблар арзимаган маош эвазига уларни ўз сафларига жалб этаётганлари ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шунга қарамай, Афғонистон ҳукумати ишсизликни ўз мамлакатининг бош муаммолари рўйхатида учинчи ўринга қўймоқда. БМТ эълон қилган маърузада айтилишича, жафокаш афгонлар ўз хавфсизликлари таъминланмаганини аҳамияти жиҳатидан иккинчи кулфат сифатида эътироф этмоқда. Афғон билан қайд этиш керакки, таҳдидлар рўйхатида коррупция балоси қарвонбошилиқ қилапти. Порахўрликнинг «умумий бозори» ялпи ички маҳсулотнинг 23 фоизига тенг, дея баҳоланганда 2010 йили бутун дунёда гиёҳванд моддалар етиштириш учун ажратилган майдонлар бирмунча қисқариб, салкам 196 минг гектарни ташкил этган. Натижада қорадори етиштириш ҳажми 38 фоизга, яна ҳам аниқроқ айтилса, 4860 тоннагача қисқарган. Бу эса гиёҳванд модда ўсимлигининг касалланиши натижасида Афғонистондаги ҳосилнинг сезиларли қисми нобуд бўлгани билан изоҳланмоқда. Шунга қарамай, жаҳонда етиштирилган қорадорининг 3600 тоннаси ёки 74 фоизи айнан шу мамлакат ҳиссасига тўғри келаётгани аччиқ ҳақиқатдир. Бирмунча эса опиум ишлаб чиқариш миқёси 2009 йил билан солиштирилганда деярли 20 фоизга кўпайган. Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда АҚШда кокаин бозори бир мунча қисқарганига қарамай, барибери океан орти дунёдаги энг йирик кокаин бозори родини ўйнаётди, десак, муболага бўлмайди. Негаки, 2009 йилдан унинг истеъмол ҳажми 157 тоннани ташкил этапти. Европа, аниқроғи, Фарбий ва Марказий Европа эса унинг иккинчи йирик бозоридир. Бу ерда наркоманлар йилига 123 тонна «оқ оғу» истеъмол қилишаёпти. Сўнги ўйилликларда кокаин истеъмоли ҳажми кўҳна қиътада икки мартаба кўпайган. 2009 йилда унинг 21 тоннага яқини Европага Фарбий Африка орқали келтирилган.

лигининг йиллик бюджетидан бир неча баробар кўпдир. БМТнинг наркотиклар бўйича бошқармаси 90-йиллар ўрталарида россиялик наркоманларнинг атиги 1 фоизи героинга ўргангани, ҳозирга келиб бу рақам 30 фоизга етганлигини ташвиш билан қайд этди.

XXI асрнинг энг мураккаб муаммоларидан бирига айланган «оқ оғу» балосига қарши курашнинг ягона йўли эса битта: у ҳам бўлса, халқаро майдонда, жумладан, Афғонистонда тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор бўлган давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш ва давлат чегараларини текарли жиҳозлар билан таъминлашдир. Тўғри, бу жуда қimmat лойиҳа. Лекин агар шу йўл танланмаса, аҳвол бундан-да мураккаблашиши мумкин.

БМТнинг наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси маълумотларига қараб кўришчи, Афғонистонда қорадори ишлаб чиқариш камайган бир пайтда Мьянма (Бирма)да кўпайган. 2009 йил билан таққослаганда 2010 йили бутун дунёда гиёҳванд моддалар етиштириш учун ажратилган майдонлар бирмунча қисқариб, салкам 196 минг гектарни ташкил этган. Натижада қорадори етиштириш ҳажми 38 фоизга, яна ҳам аниқроқ айтилса, 4860 тоннагача қисқарган. Бу эса гиёҳванд модда ўсимлигининг касалланиши натижасида Афғонистондаги ҳосилнинг сезиларли қисми нобуд бўлгани билан изоҳланмоқда. Шунга қарамай, жаҳонда етиштирилган қорадорининг 3600 тоннаси ёки 74 фоизи айнан шу мамлакат ҳиссасига тўғри келаётгани аччиқ ҳақиқатдир. Бирмунча эса опиум ишлаб чиқариш миқёси 2009 йил билан солиштирилганда деярли 20 фоизга кўпайган. Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда АҚШда кокаин бозори бир мунча қисқарганига қарамай, барибери океан орти дунёдаги энг йирик кокаин бозори родини ўйнаётди, десак, муболага бўлмайди. Негаки, 2009 йилдан унинг истеъмол ҳажми 157 тоннани ташкил этапти. Европа, аниқроғи, Фарбий ва Марказий Европа эса унинг иккинчи йирик бозоридир. Бу ерда наркоманлар йилига 123 тонна «оқ оғу» истеъмол қилишаёпти. Сўнги ўйилликларда кокаин истеъмоли ҳажми кўҳна қиътада икки мартаба кўпайган. 2009 йилда унинг 21 тоннага яқини Европага Фарбий Африка орқали келтирилган.





## Юртни улуғлаганлар халқ ардоғидадир

**Президентимиз Ислам Каримов фармойишига кўра, дунёнинг энг кучли саккиз терма жамоаси қаторидан ўрин олган истеъдодли футболчиларимиз «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони ва замонавий «Spark» автомашиналари билан тақдирландилар**

Шухрат ХҲҲАЕВ,  
«XXI ASR»

Жорий йилнинг 11 июль куни Юртбошимизнинг футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Мексикада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшган, истиқлол даврида вояга етган баркамол авлоднинг энг ёрқин фазилатларини яққол намоян этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг 29 нафар аъзосини «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил»

эсдалик нишони билан мукофотлаш, шунингдек, мазкур фармон иловасига мувофиқ, уларнинг бир гуруҳини моддий рағбатлантириш бўйича фармойиши эълон қилинди.

Унга кўра, терма жамоа устозлари — бош мураббий Алексей Евстафеев ҳамда катта мураббий Аҳмадjon Мусавва «Lacetti», футболчилардан Фанишер Холмуродов, Сардор Раҳмонов, Жавлон Мирабдуллаев, Мухсинjon Убайдуллаев, Равшанjon Хайдаров, Асилjon Мансуров, Аббосбек Махталиев, Сардор Собирхўжаев, Давлатбек Ёрбеков, Бобур Давлатов, Азизбек Муротов, Холмурод Холмуродов ва Тимур Хакимовга эса «Spark» автомашиналари топширилди-

ган бўлди.


— Мексикада қайд этилган натижада нафақат терма жамоамиз аъзоларининг, балки бутун Ўзбекистон халқининг улуши бор, десам, адашмайман. Агар мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ спортни ривожлантиришга, жумладан, футболни оммалаштиришга бунчалар катта эътибор қаратилмаганида, йигитларимиз олис юртда уларни миллион-миллион мухлис қўллаб-қувватлаётганини ҳис қилмаганида, бундай ютуқларга эришиб бўлмасди, — дейди терма жамоа бош мураббийи Алексей Евстафеев. — Фурсатдан фойдаланиб, камтарин меҳнатимизни юксак баҳолаган Юртбошимизга, шунингдек,

биз учун жон куйдирган барча ишқибозларга ўз миннатдорлигимни изҳор қиламан. Ўйлайманки, ушбу мукофотлар шогирдларимиз қалбида янги ғалабалар, янги ютуқлар сари интилиш туйғуларини янада кучайтиради. Президентимиз, халқимиз томонидан билдирилган юксак ишончни оқлашга, келажакда бундан-да яхши натижаларни қайд этиш учун белни маҳкам боғлашга ваъда бераман.

Ўзбекистон Футбол федерацияси матбуот хизматидан хабар қилинишича, мукофотларни тантанали равишда топшириш маросими 15 июль куни пойтахтимиздаги «Наврўз» ресторанида ташкил этилади.

## Ғолибга — бир йиллик текин интернет

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «Ўзбектелеком» АК билан биргаликда мамлакатимизнинг энг яхши интернет-кафесини аниқлаб берадиган «Ахборот асри ёшлари» деб номланган кўрик-танловга старт берганини эълон қилди. ЎзААА расмий сайтидан хабар қилинишича, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, аҳолига ахборот-коммуникация технологиялари тизимида кўрсатиладиган хизмат турларини яхшилаш мақсадида ташкил этилган кўрик-танловнинг ҳайъат аъзолари томонидан интернет-кафеларга баҳо бериш жараёнида ташкилотнинг ҳужжатлари, «қаҳвахона»нинг дизайни, у ердаги меъморлик, интерьер, интернет-каналнинг, шунингдек, миқозларга хизмат кўрсатиш сифати алоҳида эътибор қаратилади. Маълумотларга кўра, беллашувида совринли ўринларни эгаллаган «кафелар»га «Ўзбектелеком»нинг дипломи ва сертификатлари ҳамда интернет тармоғидан бир йил мобайнида бепул фойдаланиш имконияти берилди. Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган кўрик-танловда иштирок этмоқчи бўлган ташкилотлар тегишли ҳужжатларни 5 августга қадар ЎзАААга тақдим қилишлари лозим.



## Ўзбекистонда янги авиакомпания рўйхатдан ўтди

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси авиация соҳасида хизмат кўрсатувчи янги эксплуатант — «Silk Road Cargo Business» МЧЖни рўйхатдан ўтказилгани, ўз навбатида, мазкур авиакомпанияга махсус сертификат топширилганини маълум қилди. «Дававианазорат» ахборот хизматидан хабар қилинишича, янги авиакомпания «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ҳамда «Silk Road Cargo Business» МЧЖ ўртасида бир дона «Ил-76» русумдаги ҳаво кемаси ва экипажни ижарага олиш борасидаги имзоланган келишувга биноан фаолият юрита бошлади.



Гидрометеорология марказидан хабар қилинишича, 14-21 июль кунлари мамлакатимизда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик кутилмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади, 15 июль куни баъзи жойларда 15-20 м/с гача кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Тошкент, Самарканд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади, 15 июль куни баъзи жойларда 15-20 м/с гача кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик кутилмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади, 15 июль куни баъзи жойларда 15-20 м/с гача кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.


Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади, 15 июль куни баъзи жойларда 15-20 м/с гача кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади, 15 июль куни баъзи жойларда 15-20 м/с гача кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси 11-16 даража, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

## Сиз қанча музқаймоқ ейсиз?

**Маълумотларга кўра, бир йилда дунё бўйича 57 миллиард АҚШ долларилек музқаймоқ ишлаб чиқарилар экан**

1984 йилдан бошлаб АҚШда июль ойи расман «музқаймоқ ойи» деб қабул қилинган. Айнан шу ойда ушбу маҳсулот шарафига катта байрамлар ҳам ўтказилади. Буюк Британияда эса 1000 га яқин музқаймоқ турларини ишлаб чиқарадиган компаниялар мавжуд экан. Мутахассислар йил давомида бир кишига 8 литр маҳсулот тўғри келишини таъкидламоқдалар. Энг йирик мевали музқаймоқ Калифорнияда тайёрланиб, унинг бўйи 3,7 метрга тенг бўлган. Ушбу ширинлик Гиппократ яшаган даврлардаёқ соғлиқни мустаҳкамловчи ва кайфиятни кўтарувчи маҳсулот ҳисобланган. Мазкур маҳсулот тарихига назар ташласак, дунёда биринчи бўлиб 1843



йилда Буюк Британиялик Нэнси Жонсон қўлда тайёрланадиган музқаймоқни ихтиро қилгани ва унга патент олгани маълум бўлади. Лекин ихтирочи уни ишлаб чиқариш учун маблағ тополмай, америкаликларга сотиб юборади. Шундай қилиб, 1851 йилда Балтиморда биринчи музқаймоқ ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилди. Мамлакатимизда эса бир кишига 1,5 литр маҳсулот тўғри келар экан. Мазкур маҳсулотни юртимизда ишлаб чиқарувчи энг йирик «Singapore-Samarkand Ice Cream Factory» компанияси ҳисобланиб, корхона жами маҳсулотнинг 70 фоизини ишлаб чиқармоқда. Худди шунга ўхшаш «Shin-Line» қўшма корхонаси эса Сирдарё вилоятида фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур корхона бир кунда 30 тонна музқаймоқ ишлаб чиқармоқда.

Мурсурмон РЎЗИЕВ тайёрлади

## «Алпомиш»

**ўзбек ва корейс халқлари дўстлигини мустаҳкамламоқда**

Жанубий корейлик Ўнкёнг О (Eunkyung Oh) бундан 15 йил аввал «Алпомиш» достони билан танишгач, вақти келиб, халқ қахрамонининг она-Ватанига борлиши ва ана шу халқнинг урф-одатлари билан яқиндан танишишни мақсад қилиб қўйган эди, деб ёзади 12.uz сайти. 2010 йилга келиб, орзуси рўёбга чиқди. Юртимизга ташириб буюрган Ўнкёнг О ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти олимларига «Алпомиш» ва «Жумонг» каби халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш асосида ўзбек ва корейс халқлари қахрамонлик эпосларини таҳлил қилиш ниятида эканини маълум қилганида, ўзбекистонлик ҳамкасблари унинг таклифини ҳар томонлама қўллаб-қувватладилар. Эътиборли томони шундаки, истеъдодли корейс қизи қисқа вақт ичида ўзбек тилини мукамал ўрганди. Айни пайтда ёш олима докторлик ишини ўзбек тилида ёзапти. — Институтимизда Ўнкёнг О ҳамма Нигора деб чақиради. Шу вақтга қадар унинг қатор мақолалари илмий журналларда чоп этилди, — дейди корейлик фольклоршуноснинг илмий раҳбари, профессор М.Жўраев. — Аҳамиятлиси, ҳамкасбимиз икки халқ маданий мероси намуналари сюжетларини таҳлил этиш чоғида эпослар орасида жуда кўп ўхшаш жиҳатлар борлигини аниқлади. Истеъдодли олима диссертация ёзиш баробарида «Алпомиш»ни ўз она тилига таржима қилаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Комила ХАЙДАРОВА тайёрлади.

**XXI ASR**  
ижтимоий-сиёсий газетаси

**2011 йилга**  
**обуна давом этмоқда**

Мурожат учун телефон: (8-371) 215-63-80

**AGROBANK**

«АГРОБАНК» — ЮРТ БОБОДЛИГИ ВА ДРАТУВЧАЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪЛИМИ

**TURON BANK**

Эффективний рост ваших капиталов